



МАКРО ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ МАМЛАКАТ МИЛЛИЙ
ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

Улашев Хуббим Аскарлович

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Иқтисодиёт назарияси кафедраси доценти,
иқтисод фанлари номзоди

https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss2/a1

Аннотация. Ушбу мақолада хизмат кўрсатиш соҳаси ривожини корхона ва ташкилотлар фаолиятининг улар учун яратилган шарт-шароит билан белгиланишига алоҳида аҳамият берилган. Хизмат кўрсатиш соҳасида ижтимоий мустақиллик даражаси бозорда вужудга келаётган мустақил корхона ва ташкилотлар сони билан таснифланиши мисоллар ёрдамида ёритилган. Хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятини таркиб топтириш кўп жиҳатли жараён эканлиги бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: хизмат, ёндашув, соҳа, хизмат кўрсатиш, жараён, иқтисодиёт, меҳнат, самарадорлик, фаолият.

РОЛЬ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СТАБИЛЬНОСТИ В РАЗВИТИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ
ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ

Улашев Хуббим Аскарлович

Самаркандский институт экономики и сервиса
доцент кафедры «Экономическая теория»,
кандидат экономических наук

Аннотация: в данной статье особое значение уделяется развитию сферы услуг, которое определяется условиями, созданными для деятельности предприятий и организаций. На примерах поясняется классификация уровня социальной независимости в сфере услуг по количеству независимых предприятий и организаций, возникающих на рынке. Разработаны предложения и рекомендации с учетом того, что построение деятельности сферы услуг представляет собой многогранный процесс.

Ключевые слова: услуга, подход, сфера, услуга, процесс, экономика, труд, эффективность, деятельность.

THE ROLE OF ECONOMIC STABILITY IN THE DEVELOPMENT OF THE
COUNTRY'S NATIONAL ECONOMY

Ulashev Hubbim Askarovich

Samarkand Institute of Economics and Service
Associate Professor of the Department of Economic Theory,
Candidate of Economic Sciences,

Abstract. this article pays special attention to the development of the service sector, which is determined by the conditions created for the activities of enterprises and organizations. Examples explain the classification of the level of social independence in the service sector according to the number of independent enterprises and organizations emerging in the market. Proposals and recommendations have been developed taking into account the fact that building service sector activities is a multifaceted process.

Key words: service, approach, sphere, service, process, economics, labor, efficiency, activity.

Кириш. Дунёнинг турли минтақаларида содир бўлаётган урушлар, ҳарбий тўқнашувлар, табиат ҳодисалари мамлакатларнинг иқтисодиётига, аҳолисининг яшаш тарзига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Ушбу ҳодисалар таъсирида бутун дунёда ижтимоий-

иқтисодий қолоқлик ва мамлакатлар аҳолисининг қашшоқлик даражалари ортиши юзага келади. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бугунги кунда дунёнинг турли нуқталарида нотинчлик сақланиб қолаётган бир даврда барча мамлакатлар ва миллатлар олдида турган энг муҳим ва долзарб

вазифалардан биридир. Countrymeters лойиҳаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг 15 августида дунё аҳолисининг сони 8 млрд. дан ошди. Уларнинг 4,04 млрд. нафари эркак, 3,96 млрд. нафари аёллардир. Бу билан эркаклар ва аёллар сони ўртасидаги тафовут 1,018 ни ташкил этмоқда [14]. Дунё аҳолисининг бу даражада кескин ўсиши камбағаллик даражасига барҳам бериш, тўйиб овқатланмаслик, аҳоли соғлигини сақлаш, таълим тизимларини қамраб олиш ҳамда миграция тизимини тўғри ташкил қилиш каби долзарб муаммоларни юзага келтиради.

Эътиборли жиҳатлари шундаки, бутун дунёда кузатилаётган геосиёсий жараёнлар таъсирида юзага келаётган глобал молиявий инқирозлар мамлакатлар аҳолисининг яшаш тарзига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Мазкур глобал молиявий инқирознинг мамлакатимизга таъсирини юмшатиш бўйича кенг кўламли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракат халқларимиз фаровонлигини яхшилашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Мамлакатларнинг макроиқтисодий ривожланишини яхлит бир жараён сифатида тадқиқ қилиш, дастлаб Ф.Кенэ томонидан олиб борилган. “Кенэ жадвали”ни тузишда илк бор Ф.Кенэ макроиқтисодий таҳлил элементларидан фойдаланган. Макроиқтисодий таҳлилнинг элементлари Ж.Б.Сэй, Л.Вальрас, В.Парето ва бошқа олимлар томонидан XIX асрдан бошлаб ўрганилган.

Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий сиёсати макроиқтисодий барқарорликка эришишни кўзлаб ишлаб чиқилади. Инқирозга қарши кўрилаётган чора-тадбирлар ва Ўзбекистон макроиқтисодиётининг ҳимоя воситалари салбий оқибатларни камайтиришда, айниқса, камбағал аҳолига ёрдам беришда муҳим ўрин эгаллайди.

Макроиқтисодий барқарорлик иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ҳамда аҳоли фаровонлиги ошишининг кафолатидир.

Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш – энг муҳим вазифамиздир [3].

Н.Тухлиевнинг “Ўзбекистон иқтисодиёти асослари” номли китобида классик иқтисодий адабиётларда макроиқтисодий барқарорликка эришиш бўйича икки хил

назарий ёндашув шаклланганлигини ифода этган [4].

Б.Беркинов ва Ф.Маматованинг “Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш йўллари” номли илмий-оммабоп рисоласига кўра, “Макроиқтисодий барқарорлик мамлакат иқтисодий ўсишини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Макроиқтисодий барқарорлик инфляциянинг паст даража бўлган ва реал алмашинув курси рақобатлаша оладиган даражада бир маромда бўлган ҳолатини англатади” [6].

Х.Абулқосимов “Макроиқтисодий барқарорлик деганда, мамлакатда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар: ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши, инфляция, валюта курси, ишсизлик даражаси, тўлов баланси ва ҳоказоларнинг мувозанати бузилмасдан, иқтисодиётнинг барқарор ҳолатда ривожланиши тушунилади” [2].

Н.М.Махмудов, А.Х.Ҳақимов фикрича, “Макроиқтисодий барқарорлик – миллий иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришилган, инфляция суръати жиловланган, миллий валюта девальвация даражасининг узоқ муддатли паст суръатларига ва тўлов баланси барқарорлигига эришилган, давлат қарзи ва бюджет тақчиллиги ижобий даражасида бўлиши таъминланган, ташқи таъсирларга барқарор тура олиш қобилиятига эга бўлган ҳолатдир” [8].

Умуман олганда, макроиқтисодий барқарорлик тушунчасига берилган турли хил таъриф ва ёндашувлардан, макроиқтисодий барқарорликнинг моҳиятини англаган ҳолда бугунги пандемия шароитида макроиқтисодий барқарорликка кўйидагича таъриф беришга ҳаракат қилдик. Макроиқтисодий барқарорлик – инфляция даражасини жиловлаш, самарали бюджет – солиқ сиёсатини олиб бориш, солиқ юқини камайтириш, давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш, банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш, банкларнинг кредит салоҳиятини ошириш, тадбиркорлик, ўз-ўзини иш билан таъминлаш фаолиятига ажратиладиган кредитларни олиш учун қулай шарт-шароит яратган ҳолда мамлакатни иқтисодий танглик ҳолатидан чиқариш учун хизмат қилувчи заруратдир.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот диалектик дунёқараш тамойиллари асосида бажарилди. Инновация ва инвестиция жараёнларини ўрганишда иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга узвийликда ва тизимли ёндашув услуги қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар. “Мамлакатимизда, кейинги йилларда иқтисодий ўсиш рақамлари сезиларли равишда катталашмоқда. Биргина 2023 йилни оладиган бўлсак, бу йилда иқтисодий ўсиш 6 фоизни ташкил қилди. Жумладан, саноат соҳаси 6 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳаси 6,8 фоизга, қурилиш соҳаси 6,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги соҳаси эса 4,1 фоизга ўсганлигини эътироф этишимиз мумкин. 2024 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 6 фоизга кўпайтириб, 100 миллиард долларга етказиш асосий мақсадларимиздан биридир”[16], – дея таъкидлади давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев [3].

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази инфографикасида «Янги Ўзбекистон» стратегиясининг учинчи йўналиши – миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини таъминлаш келтирилган.

Хусусан, келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажми 1,6 баробар ошиши, 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад эса 4 минг долларга етиши кутилмоқда, бунинг натижасида Ўзбекистон қатор «ўртача даромад даражаси юқори бўлган давлатлар» қаторига кириши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

2023-2025 йилларда ўртача йиллик ЯИМ ўсиш суръати 6,5 %ни ташкил этади ва иқтисодиётни кредитлашнинг йиллик ўсиш суръати 16-18 % даражасида режалаштирилмоқда.

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш соҳасида йиллик инфляция даражасини 2022 йилдаги 9 фоиздан 2023 йилгача 5 фоизга босқичма-босқич пасайтириш, шунингдек, 2023 йилдан бошлаб ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиздан ошмаслиги керак бўлган давлат бюджети тақчиллигини камайтириш кўзда тутилмоқда. Дастурий бюджетлаштириш тизимига ўтиш ҳам режалаштирилган. Фуқаролик бюджети қабул қилиниб, аҳоли тақлифларидан келиб чиқиб, ҳар бир туман бюджетининг 5 фоизи долзарб масалаларни ҳал этишга йўналтирилади. Ички йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағнинг 50 фоизи жамоатчилик фикридан келиб чиқиб тақсимланади. Йиллик ташқи қарзлар миқдори 4,5 миллиард доллардан ошмайди, давлат қарзлари эса ялпи ички маҳсулотнинг 60 фоизидан паст бўлади[16].

Эътиборли жиҳатлардан бири шундаки, мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни ўрнатишда яширин иқтисодиёт ҳажмини кескин қисқартиришга эътибор қаратиш

лозим. Яширин иқтисодиёт ёки соя иқтисодиёти – ушбу соҳа ҳар бир фаолият туридан келиб тушаётган даромадларни кам кўрсатиш ёки умуман кўрсатмаслик оқибатида давлат солиқларини кам тўлаш ёки умуман тўламаслик ҳолатлари учрамоқда.

Яширин иқтисодиётнинг улуши жаҳон мамлакатлари, жумладан, АҚШда 8,0 %, Бразилияда 36,5 %, Испанияда 21,7 %, Италияда 19,5 %, Португалияда 18,5 %, Кореяда 18,4 %, Хитойда 14,5 %, Канадада 11,0 %, Германияда 10,2 %, Буюк Британияда 9,6 %, Австралияда 9,0 %, Сингапурда 8,6 % ва Японияда 8,1 %ни ташкил қилди [17].

Мамлакатимизда 2019 йилда яширин иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши 52,11 фоизни ташкил этди. Марказий Осиё давлатларида ушбу кўрсаткич пастроқ – Тожикистонда 40,76 фоиз, Қозоғистонда 36,65 фоиз ва Қирғизистонда 30,53 фоизга етган[18].

2020 йилнинг 9 сентябрида Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистонда 245 трлн. сўм маблағ соя остида эканлиги, яширин иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши эса тахминан 48 фоизга тўғри келганлиги ҳақида хабар беради.

Кишилик жамияти ривожланиб борган сари яширин иқтисодиётнинг турли-туман фаолият турлари намоён бўлмоқда. Нечоғлиқ ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига назар ташламайлик, бу давлатларда ҳам мумкин қадар яширин иқтисодиёт турларининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

“Яширин иқтисодиётдан қандай қутулишимиз мумкин?” деган саволга жавоб. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ҳар бир соҳага жалб этишимиз зарур деган фикрни илгари суришимиз зарур. Агар ҳар бир корхона ёки ташкилотларда рақамли фаолият олиб борилса, ўз-ўзидан ушбу корхонага ёки ташкилотга кирим-чиқим ойдинлашади, шу билан биргаликда, фаолият туридан келиб тушаётган тушумга аниқлик киритилади.

Янги Ўзбекистонни ривожлантиришга оид ислохотларнинг ҳозирги босқичида меҳнатга ҳақ тўлаш ва корхоналар даромадларини шакллантириш каби тушунчаларнинг моҳияти тубдан ўзгарди. Бунинг натижасида иқтисодий самарадорликка бўлган эътибор янада кучайди. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини икки гуруҳга – алоҳида (хусусий) ва умумлашган кўрсаткичларга бўлиш мумкин. Макроиқтисодий барқарорликка эришишда иқтисодий самарадорликни тавсифловчи алоҳида кўрсаткичларга, яъни меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳамда моддий ва молиявий ресурслардан самарали

эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш меҳнат унумдорлиги даражаси ва динамикаси (натурал ва қиймат кўрсаткичлари)га ўз таъсирини сезиларли даражада кўрсатади. Бунда ўртача меҳнат ҳақи, бир ходим ҳисобига тўғри келадиган хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати, меҳнатга ҳақ тўлаш суръатининг нисбати, меҳнат ҳақининг бир сўмига олинган натижа кўрсаткичлари тизимдан фойдаланиб, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш натижаларига эга бўлиш мумкинлиги аниқланади.

Меҳнат унумдорлиги даражаси натурал ва қиймат шаклида ҳисобланиши мумкин. Натурал шаклда ҳисобланса, товарлар ҳажмининг ходимлар ўртача сонига нисбати олинади.

$$MU = \frac{T_m}{X_c}$$

Бу ерда: T_m – товарлар ва хизматлар ҳажми; X_c – ходимларнинг ўртача йиллик сони.

Макроиқтисодий барқарорликка эришишда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги меҳнат унумдорлиги, меҳнат қиймати ва меҳнат сиғими каби кўрсаткичларда аниқланса, кутилган натижага эришилади, деб ҳисоблаймиз.

2021 йил август ойида Вазирлар Маҳкамасининг “Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган бўлиб, у камбағаллик чегарасини аниқлаш кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Миллий статистика маълумотларига кўра, ушбу кўрсаткичнинг амалга оширилиши камбағаллик чегарасидан паст бўлган аҳоли улушини 2020 йилдаги 11,5 фоиздан 2021 йилда 17 фоизга етказди. Бу аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини нафақалар билан қамраб олиш даражаси ошганидан далолат беради. Бироқ World Poverty Clock маълумотларига кўра, камбағаллик чегарасидан пастда яшаётган аҳоли улуши (Жаҳон банки мезони кунига – 1,9 доллар) 2020 йилдаги 11 фоиздан 2023 йилда 9 фоизгача камайган[19].

2019-2021 йилларда халқаро камбағаллик чегарасидан пастда яшаётган аҳоли улуши (мезон кунига – 1,9 АҚШ доллари) 5,9 %дан 5,4 %гача камайди.

Камбағалликнинг миллий мезонига (минимал истеъмол харажатлари) кўра, кам

фоиздан 2022 иилда 14,0 фоизгача камаиди. Маҳалла даражасида аҳолининг кам таъминланган қатламларини ҳисобга олиш ва манзилли қўллаб-қувватлаш асосида камбағалликни қисқартиришнинг миллий модели шакллантирилди ҳамда бу модель ўз ишини бошлаб юборди.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, макроиқтисодий барқарорликка эришишда аҳолининг кам таъминланган қатламларини ҳисобга олиш ниҳоятда долзарб мавзу ҳисобланади ҳамда аҳолининг ҳаёт тарзига ниҳоятда катта таъсир кўрсатишини кўриш мумкин. Макроиқтисодий барқарорликка эришишда инфляция даражасини жиловлаш, самарали бюджет – солиқ сиёсатини олиб бориш, солиқ юкини камайтириш, давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш, банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш, банкларнинг кредит салоҳиятини ошириш, тадбиркорлик, ўз-ўзини иш билан таъминлаш фаолиятига ажратилган кредитларни олиш учун қулай шарт-шароит яратиш меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш орқали макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолишимиз ва керак бўлса, кутилганидан зиёд натижаларни қайд қилишимиз мумкин, деб ҳисоблаймиз. Бунда:

1. Аҳолини моддий техника базасига бўлган эҳтиёжларини самарали қондириш, яъни: кичик корхоналарнинг қулай режалаштирилганлиги ва сифатли жиҳозланганлиги, ускуналар билан таъминланганлиги, бугунги замонавий талабларга тўлиқ жавоб бера олишига алоҳида эътибор қаратиш.

2. Хизмат кўрсатишнинг илғор технологияси. Бунга: кадрлар салоҳияти, ишчи ходимларнинг юқори даражада малакага эга эканлиги ҳамда зарур ҳолларда кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун эътибор қаратиш.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Янги Ўзбекистонни ривожлантиришга оид ислохотларнинг ҳозирги босқичида макроиқтисодий барқарорликка эришиш учун юқори сифатли хизмат кўрсатишни таъминловчи омилларни танлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун ҳар бир раҳбар соҳаси ва йўналишидан қатъи назар, энг аввало, танламоқчи бўлаётган бозор шароитининг моҳиятини англаб етиши ва бу шароитда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги қандай ўрин тутишини англамоғи лозим. Яхши ишлаб чиқилган стратегия куйидаги саволларга жавоб бериши лозим,

яъни биз мамлакатимизнинг қандай эҳтиёжларини қондира оламиз? Қайсидир давлатдан кўра яхшироқ натижага эришиш учун биз етарлича билим ва тажрибага эгамизми-йўқми? Ўйлаймизки, юқоридаги саволларга жавоб топсак, Янги Ўзбекистонни ривожлантиришга

оид ислохотларни янги босқичга кўтариб, давлатимиз ривожда муҳим аҳамият касб этувчи макроиқтисодий барқарорликка эришиш орқали халқимизни фойдали меҳнат билан таъминлаймиз ҳамда ушбу меҳнатга яраша ҳақ тўлашни таъминлай оламиз.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ваҳабов А., Жумаев Н., Хошимов Э. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. – Т., 2009. 23-бет.
2. Абулқосимов Х.П., Абулқосимов М.Х. Иқтисодиётга оид атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати. – Т., 2017. 221, 256-бетлар.
3. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017 й. 24-бет.
4. Тўхлиев Н. ва бошқ. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т., 2005.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
6. Беркинова Б.Б., Маматова Ф.Х. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш йўллари. ТДИУ, 2011.
7. Абулқосимов Х.П. ва бошқалар. Давлатнинг макроиқтисодий сиёсати. Академия, 2007 й.
8. Махмудов Н.М., Ҳакимов А.Ҳ. Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш – барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим шартидир. // Иқтисодиёт ва таълим, 2017 й. 2-сон. 7-11-бетлар.
9. Askarovich, U.K. (2021). Clusters as a tool for providing high rates of economic growth and diversification of the economy of Uzbekistan.
10. Улашев, Х. (2024). Мамлакат миллий иқтисодиёти ривожда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзига хос хусусиятлари. // Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, 2(1), 543-550.
11. Ulashev, H.A. (2024). Features of the service sector in the development of the national economy of the country. World of Scientific news in Science, 2(2), 458-465.
12. Улашев, Х. (2024). Мамлакат миллий иқтисодиёти ривожда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзига хос хусусиятлари. // Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, 2(1), 543-550.
13. <https://soliq.uz/press-services/news/show/dsq-million-somlik-soliqlar-muddati-kechiktirildi>
14. <https://www.gazeta.uz/ru/2020/10/29/budget-2021>
15. https://www.mf.uz/media/file/gos_budget/obzor_rus_ver.pdf
16. [Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш бўйича устувор вазифалар муҳокама қилинди \(president.uz\).](https://www.president.uz/uz/maqsadlar-muxokama-killindi)
17. [Яширин иқтисодиётга қарши қурашиш борасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари \(yuz.uz\).](https://www.yuz.uz/uz/yashirin-iqtisodiyotga-qarshi-kurashish-boracida-davlat-siyosatining-ustuvor-yunalishlari)
18. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Ахборот хизмати.
19. https://api.mf.uz/media/document_files/1kkinchi_milliy.pdf



ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТНИНГ МОҲИЯТИ, ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ, ТАРКИБИ ВА КЎРИНИШЛАРИ

Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси хузуридаги
Фискал институт Солиқлар ва солиққа тортиш
кафедраси доценти PhD

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss2/a2](https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss2/a2)

Аннотация. Мақолада иқтисодиёт норасмий секторининг моҳияти ва таркибий элементлари ёритилиб, норасмий иқтисодиёт категориясининг мазмуни солиққа жалб қилиш нуқтаи назаридан очиб берилган. Мавзуга доир назарий адабиётларни шарҳлаш, халқаро амалиёт ҳамда Ўзбекистондаги ҳолат таҳлили асосида норасмий иқтисодиётни жиловлаш ва кўламини қисқартиришда солиққа тортиш механизмларидан самарали фойдаланишга қаратилган таклифлар ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: норасмий иқтисодиёт, назоратсиз иқтисодиёт, яширин иқтисодиёт, криминал иқтисодиёт, норасмий бандлик, солиқ тўловчилар, солиқ инструментлари, солиққа тортиш механизмлари, солиқ юки.